

ТОШКЕНТ ОҚШОММИ



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 142 (10.951)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ
Янгиликлар, воқеалар



Кечка сатрларда

ТОШКЕНТ Давлат юридик институтида Республика Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида ҳуқуқшунослар, ўқитувчилар иштирокида уюштирилган илмий-амалий конференция «Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши — амалга ошириладиган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг муҳим босқичи» деб номланди.

«КАМОЛОТ» ЁИХ Марказий Кенгаши ташаббуси билан юртимиз Истиқлолнинг 16 йиллиги арафасида «Мустақиллик, мен ва имкониятим» шиори остида Тошкент шаҳридан вилоятларга сафар қилаётган «Ёшлар марафони» қатнашчилари КЕЧА Навоий вилоятининг Нурота туманига боришди.

ЯККАСАРОЙ туманида туман тиббиёт муассасалари ходимлари иштирокида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан «Соғлом она — соғлом бола» мавзюда ўтказилган тадбир Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланди.

КЕЧА шаҳримизда имконияти чекланган иқтидорли болажонлар иштирокида Ижтимоий ҳимоя йилига бағишлаб ўтказилган расмлар кўрик-танлови Республика ўқувчилар ижодиёт маркази ташаббуси билан уюштирилди.

КЕЧА Низоий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази битирувчиларига дипломлар топширилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).


МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР ЮРТИМИЗ КЕЛАЖАГИ БУНЁДКОРЛАРИ БЎЛГАН, МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲҚАМЛАШГА МУНОСИБ ҲИССА ҚўШАДИГАН ЁШЛАРГА ҲАР ТОМОНЛАМА ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛИШИДА КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.

2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ижросини таъминлаш мақсадида пойтахтимизда ҳам умумтаълим мактаблари босқичма-босқич капитал ва жорий таъмирдан чиқарилмоқда. Билим масканларида ўғил-қизларимизнинг ҳар томонлама мукамал илм олишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда, замонавий жиҳозлар билан таъминланмоқда.

Яккасарой туманида жойлашган 172-мактабда таҳсил олувчилар ҳам янги ўқув йилини қайта чирой очган шинам ва замонавий масканда қарши олишадиган бўлди. Мактабни капитал таъмирлаш ишларини пойтахтимиздаги «Ўзагроқурилиш-маҳсулмонтаж» компанияси бунёдкорлари амалга оширишди. Сантехника ишлари, иссиқлик тизимларини тўла янгилаш амалга оширилиб, эшик ва ромлар алмаштирилди, том тўла ёпилди.

— Мактаб биносини капитал таъмирдан чиқариш учун 163 миллион сўм маблағ сарфланди, — дейди компания раҳбари Хидирали Назаров. — Таъмирлаш ишлари давомида сифатга алоҳида эътибор қаратдик. Таҳрибали ва маҳоратли усталаримиз 2 сенада меҳнат қилишиб, мактаб раҳбарлари билан ҳаммуносабатли иш юритдик. Бунёдкорлик ишларини пухта бажариб, ўғил-қизларимизнинг яхши таълим олишлари учун шарт яратиб берганимиздан, кутлуг айём — Истиқлол шодиёналарини ёруғ юз билан кутиб олаётганимиздан мамнунимиз.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Яккасарой туман ҳокимияти томонидан 35 миллион сўм маблағ ажратилиб, мактабнинг фаоллар ва спорт зали ҳам тўла таъмирдан



Умуммиллий дастур — амалда

МАКТАБ ЧИРОЙ ОЧДИ

чиқарилди.

— Янги ўқув йилида қайта чирой очган кадрдон мактабимизда 540 нафардан зиёд ўғил-қиз ўзбек ва рус тилларида билим олишди, — дейди мактабнинг ҳўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари Гулнора Раҳимова. — Уларга 33 нафар малакали педагогларимиз билим беришди, тарбиясига эътибор қаратишди. Бизга шундай шарт яратиб берган ҳукуматимиздан, бунёдкорлар жамоасидан барча педагогларимиз, ўқувчиларимиз ва уларнинг ота-оналари беҳад миннатдор. Албатта, ушбу ғам-хурликка ўқиб ва ишда сифат ва самарадорлик билан жавоб берамиз.

Чиндан ҳам бугунги мактаб жамоли — унда таълим олажак болалар камолдир. Шу боис ҳам айни кунларда мактаб атрофини ободонлаштиришга эътибор қаратилмоқда. Бошланмажқ ўқув йилида мактаб ўқувчилари ўз масканларига ҳар қанчонгидан шод ва мамнун кайфиятда қадам босиши, шубҳасиз.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: компьютер хонасида; мактабнинг бугунги кўриниши; таъмирлаш ишларида бўёқчилар Равшан Курбанов ва Даврон Худойбергеновлар маҳорат кўрсатиши.

Козим Улмасов олган суратлар

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

МАВЖУД ИМКОНИЯТЛАРДАН Фойдаланиш — Ривожланиш ОМИДИ

КЕЧА ПОЙТАХТДА ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ ЯҚУНЛАРИ МУҲОКАМИСИГА БАҒИШЛАНГАН КЕНГАЙТИРИЛГАН ФАОЛЛАР ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Кун тартибидаги асосий масалалар муҳокамаси давомида барча жабҳалардаги мавжуд имкониятлар бўйича талабларни таъминлаш, модернизация жараёнларини чуқурлаштириш ва меҳнатни ташкил этиш услубларини такомиллаштириш, бу борада энг муҳими — ҳамма бўғинлардаги раҳбарларнинг устувор вазифалар бажарилишида масъулиятини оширган ҳолда иқтисодий қўрсаткичларнинг сифатли ўсишини таъминлашга қаратилган келгусидаги вазифалар ҳам белгилан олди. Фаоллар йиғилишини Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳор Тўхтаев олиб борди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида эришилган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, умуман олганда пойтахтнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид барча соҳаларда макрокўрсаткичлар ва молявий барқарорлик қўсатилди. Бу эса, ўз навбатида, ҳамма кўрилган кўрсаткичларда тегишли ўсish даражасига чиқишга имконият яратди.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, авваламбор ҳисобот даврига белгиланган муҳим ижтимоий вазифаларнинг ҳал этилишига асос бўлган иқтисодий ўсish суръатларининг барқарорлиги ва мувозанатлилиги, барча иқтисодиёт тармоқларининг изчил ривожланишига мамлакатимиз Президенти томонидан жорий йил учун белгиланган устувор йўналишнинг зарфи қайта янгилашга ҳисобга олиниши, Чунончи, пойтахт тузилмаларининг доимий диққат-эътиборида иқтисодиётнинг таркибий жиҳат-

дан ўзгартариш ва модернизация қилиш, техник ва технологик янгилан, хусусий бизнеснинг жадал суръатлар билан ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, банк-молия соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш, хорижий инвестициялар жалб этилишини кучайтириш каби масалалар алоҳида ўрин тутди.

Бу саъй-ҳаракатларни рақамларда ифодалайдиган бўлсақ, жумладан, ҳисобот даврида янги ҳудудий маҳсулотнинг ҳажми 11,8 фоизга кўпроқ таъминланди. Ушбу кўрсаткич таркибидан санаотнинг улуши 16,4 фоизга ошган бўлса, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ҳажми — 112,1 фоиз, пулдат ишлари — 121,5 фоиз, чакана савдо айланмаси — 122,3 фоиз, кўрсаткичлар пуллик хизматлар — 119,2 фоизга тенг бўлди. Товарлар ва хизматлар экспортининг ҳам ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 44,4 фоизга ошгани қўсатилди.

Санаот маҳсулотларини ишлаб чиқаришда юқори ўсish суръатлари асосан «Ўзқабель», «Дойче кабел», «Электрониколит», «Тошкент қувур заводи» каби турли мулкчилик шаклидаги 19 та корхона ҳисобига тўғри келди. Қайд этилган субъектларнинг жараёни ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 34 фоизни ташкил этади.

Умумий кўрсаткичларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иштироки ҳам салмоқли — 16,6 фоизга ўсди, натурал кўринишда бу 89,8 миллиард сўмни ташкил этади. (Давоми 3-бетда).

ТОШКЕНТДА 24 ИЮЛЬ КУНИ

“ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ҚОНУНЧИЛИгини ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ ИНСОНИЙЛИК ТАМОЙИЛЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ МАСАЛАЛАРИ — ЎЗБЕКИСТОНДА СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОХОТЛАРИНИНГ БУГУНГИ АҲВОЛИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ” МАВЗУИДА ХАЛҚАРО ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.
МАЗКУР ТАДБИР ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЎРГАНИШ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ АМАЛДАГИ ҚОНУН ҲУҲЖАТЛАРИ МОНИТОРИНГИ ИНСТИТУТИ ВА GERMANIЯНИНГ КОНРАД АДЕНАУЭР НОМИДАГИ ЖАМФАРМИСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, дипломатик корпус вакиллари, мамлакатимиз экспертлари, олимлар ва олий таълим муассасалари раҳбарлари, шунингдек, Россия, ГФР, АҚШ ва Япониядан мутахассислар иштирок этди.

Анжуманини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимининг либераллаштирилиши, «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилиниши муносабати билан юз бераётган демократик ўзгаришлар жараёни юзасидан фикр алмашишдан иборат.

Тадбирда Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор

Вольф БАУЭР:

“ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОХОТЛАР ЮКСАК САМАРА БЕРАЁТГАНИГА ГУВОҲ БЎЛДИК”

қилиш тўғрисида»ги ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонлари эълон қилиниши ва улар асосида тегишли қонунларнинг қабул қилиниши жаҳон ҳам-жамияти томонидан юксак баҳолангани, ушбу ҳужжатлар суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг манфийлиги давоми бўлиб, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш жараёнини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Қайд этиш жоизки, бугун Ўзбекистонда суд ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли тарзда ҳимоя қилишга қаратилган чинакам мустақил давлат институтига айланиб бормоқда. Судларнинг ихтисослашуви, жинсий жазоларнинг либераллаштирилиши, ярашув ва апелляция институтиларининг жорий этилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатини янада мустаҳкамлади. Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизимини шакллантиришнинг мутлақо янги концепцияси амалиётга татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши кафолатланган. Фуқароларнинг судларга ишончи тобора мустаҳкамланмоқда.

Тадбир иштирокчилари суд ҳокимиятини, адвокатурани, фуқароларни суддан ташқари ҳимоя қилиш институтини кучайтириш, ярашув институтини жорий этишга доир масалаларни ҳам муҳокама қилди.

Анжуман қатнашчилари мустақил Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат қуриш, қучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва инсонлар онгига демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан дадил оидилаётганини қайд этдилар.

Германия Федератив Республикаси Бундестаги депутати, «Германия-Марказий Осиё» парламент гуруҳи раисининг ўринбосари Вольф Бауэр мамлакатимизда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотларга, суд-ҳуқуқ тизимига оид жаҳон андозаларига мос равишда қабул қилинаётган қонунлар ва меъриий ҳужжатларга юксак баҳо берди.

— Ташриф асосида Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва демократлаштириш, одил судловни амалга ошириш ва адолатни қарор топтириш борасида изчиллик билан амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлар юксак самара бераётганига гувоҳ бўлдик, — деди Вольф Бауэр. — Буларнинг барчаси Ўзбекистон халқининг ҳуқуқий билими янада юксалиб, судларга ишончи мустаҳкамланишига хизмат қилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар ҳуқуқшунос олимларининг, суд-ҳуқуқ тизими мутахассисларининг маърузалари тингланди. Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш ва демократлаштиришга оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

(ЎЗА)

ЖАҲОНДА

Ливия томонидан болгариялик ҳамширалар ва шифокорнинг ўз мамлакатига қайтариб юборилиши Ливия учун жаҳон ҳамжамияти сари кенг йўл очмоқда. Жумладан, кеча Франция ва Ливия атом энергиясидан тинчлик мақсадларида ҳамкорликда фойдаланиш юзасидан битим имзолашган бўлса, АҚШ давлат котиби Кондолиза Райс ҳам ушбу мамлакатга ташриф буюришини билдирди.

Афғонистонда Толиблар томонидан гаровга олинган 23 нафар Жанубий корейликларни озод қилиш йўлида музокаралар давом эттирилмоқда. Толиблар ўзлари қўйган талабларнинг бажарилиши учун яна бир кун муддат беришди. Расмий Сеул гаровдагиларни озод этиш йўлида барча имкониятлар ишга солинишини таъкидлади.

БМТ Тайваннинг халқаро ҳамжамиятига аъзо бўлиб кириш масаласида қилган муножотини қўриб чиқишни рад этди. Ушбу халқаро ташкилот Тайвани Хитойнинг бир қисми деб билиши ва фақат расмий Пекинни тан олишини билдирди.

«SOCIUM» маркетинг ва ижтимоий тадқиқотлар маркази ўтказган сўров натижаларига кўра 63,7 фоиз украинлик мамлакатнинг амалдаги президенти Виктор Ющенко истеъфосини хоҳлашини билдирди. 56,8 фоиз иштирокчининг фикрига кўра эса Олий Радага навбатдан ташқари сайловлар ўтказиш шарт эмас.

Маълумки, Буюк Британияда бир неча кундан буён сув тошқинлари давом этмоқда. Айнисика, Оксфорддаги айрим жойларда сув сатҳи 1 метр баландиликка кўтарилган қучли тошқиндан сўнг кеча бир неча юзлаб киши норозилик намойишини ўтказиб, ҳукуматдан жиддий чоралар қўрилишини талаб қилиб чиқди. Айтиш кераки, Англия сув тошқинларидан 4 миллиард фунт стерлингда яқин зарар кўрган.

Афғонистонда мамлакатнинг собиқ подшоҳи, 1933-1973 йиллар давомидаги бошқаруви «Афғонистоннинг олтин даври» дея таъсирланган 92 ёшда ҳаётдан кўз юмган Муҳаммад Зоҳир-Шоҳнинг дафн маросими бўлиб ўтди. Шу муносабат билан мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилинди.

Италияда ҳаво ҳарорати бир неча кундан буён 40 даражадан тушмаётганлиги натижасида ўрмон ёнғинлари авжга чиқди. Шу муносабат билан мамлакатнинг курорт шаҳарларидан минглаб сайёҳлар хавфсиз жойларга эвакуация қилинди. Ёнғинлар оқибатида тўрт киши ҳаётдан кўз юмди, ярадорлар ҳам бор.

ТАДБИРКОР

16
MUSTAKILLIK · INDEPENDENCE · BIRLIK
O'ZBEKISTON



гун ўз самарасини бермоқда. Ички бозорда ўз ўрнини топдик, ҳаттоки қўшни Қозғистон, Қирғизистон давлатларидан ҳам буюртмалар тушмоқда. Насиб этса экспортни ҳам йўлга қўйиш режамиз бор...

Ҳа, бугунги кунда «Niso tekstil» савдо белгиси билан ишлаб чиқарилаётган болалар учун мўлжалланган, 100 фоиз пахтадан тайёрланаётган маҳсулотлар тури 100дан ҳам ортиб кетди. Маҳсулотнинг турларини янгилаш, уни харидор дид ва эҳтиёжидан келиб чиқиб тайёрлаш лозимлигини тадбиркорлар жуда яхши билишади.

Замонавий бичув дастгоҳи ва бир нечта жараёнларни бажара оладиган хориджий тикув машиналари бу борада чеварларнинг энг яқин мададкори. Маҳсулотларнинг чиройли турларини айтмай-сизми, чақана...

лоқларнинг ёғи ва кишки йўрғаклари, турли моделдаги кўйлақчалар, шапкача, пайпоқча ва кўлқопчалар — ҳаммасини санаб адоғига етолмайсиз. Лекин буларнинг барчаси тадбиркорлик билан изланишнинг яққол далолати эканини сезиш мумкин.

Шуниси эътиборлики, корхона республикамиз вилоятларидаги ва пойтахтимиздаги савдо шохобчаларига, хусусий тадбиркорларга буюртма асосида маҳсулот етказиб бериш борабариди пойтахтимиздаги «Чилонзор» буюм бозориди ўз фирма дўко-



нида харидорларга хизмат кўрсатади. Кўрғазма ва ярмаркалардаги иштироки эса янги шартномалар тузишда, ҳамкорлар орттиришда қўл келмоқда. Утган йили ўтказилган «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган — 2006» кўрғазмасида корхона маҳсулотлари алоҳида эътироф этилиб, «Кўрғазмада энг яхши дебют» номинациясига сазовор бўлди.

Хозирда эса корхона ахли Муस्ताқиллигимизнинг 16 йиллиги арафасида ўтказилган янги маҳсулотлари билан иштирок этишга тайёргарлик кўрмоқда. Улар болалар ва кизалоқлар учун турфда кийим-кечаклар тайёрлашмоқда. Айни пайтда келгуси йил учун янги моделлар ҳам яратилмоқда.

Корхонада йил сайин ишчи ўринлари ҳам кўпайиб бормоқда. Жорий йилда 10 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Тадбиркор Рокия Ҳабиляеванинг ниятлари эса янада юксак. Ички бозорда янада муҳим ўрин эгаллаш мақсадида кредит олиб, кичик фабрика бунёд этишни, яна 100 нафар аёлларга янги иш ўринлари яратишни кўзлаб турибди. Албатта, излаган имкон топаверди, астойдил меҳнат қилса омади ҳам чопаверади.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: корхона раҳбари, моҳир дизайнер-модельер Рокия Ҳабиляева ва уста чевар Матлуба Умарова; ёш тикувчи Хуршида Одилова; тикув цехида иш қизини.
Козим Улмасов олган суратлар

МАМЛАКАТИМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА ҚАРАТИЛАЁТГАН ЮКСАК ЭЪТИБОР ТАДБИРКОРЛАР САФИНING КЕНГАЙИШИДА, УЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ УЛУШИНИНГ САЛМОғИ ОРТИШИДА, ЯНГИ ИШ ҲАРАКАТИ ЯРАТИЛИШИДА ҲАМДА ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДАГИ СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ, ИМПОРТ ҲАМ БИР БУСУВЧИ МАХСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛАНИШИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.

Тадбиркорга толе ёр ЗАМОНАВИЙ МАШИНАЛАР — ЧЕВАРЛАР МАДАДКОРИ

Шу боис ҳам Президентимиз ушбу соҳага ҳаммиша катта эътибор қаратиб, 2006 йилда мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисда «Бешинчи энг муҳим устувор масала — бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этишдан иборат» деб алоҳида таъкидлаб ўтганлар.

Албатта, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини мамлакатимизнинг таянчи ва суянчи бўлган мулкдорлар ўрта синфини шакллантириш вазифасини бевосита ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда бозорларимизда, дўконларимиз пештахталарида ўзимизда тайёрланган бежирим ва чиройли қадоқланган, хориджий билан бемалол рақобатлаша оладиган озиқ-овқат маҳсулотлари, турли кийим-кечаклар, халқ истеъмолчи моллари харидор талабини қондирмоқда. Бунинг асосий боиси эса тадбиркорларимизнинг изланишлари, янгилик яратиш йўлидаги интилишлари, бозорни тинмай ўрганишлари, замонавий техника ва технологиялардан унумли фойдаланишлари бўлса, Президентимизнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга доир қатор Фармон ҳамда Қарорлари энг муҳим омиллардан саналади.

— Муस्ताқиллигимиз боис яратилган имкониятлар йиллар бўйи ўйлаган орзуларим-

ни рўёбга чиқаришга ундади, — дейди «NISO TEKSTIL» хусусий корхонаси раҳбари, тадбиркор аёл Рокия Ҳабиляева. — Халқимиз болажон, кичкинтойларни жондилдан севамиз, уларнинг чиройи, шодлигу қувончидан олам-олам завқ оламиз. Шу боис ҳам мен тадбиркорлик фаолиятимни бошлар эканман, жажжиларни танладим, уларнинг ота-оналарига кўмак беришга шайландим. Бозорни ўрганиб, аввало чақалоқлар учун энг керакли кийим ва ашёлар тайёрлашни бошладим. Бунинг учун кичиккина цех очиб, уни зарур бичув ва тикув дастгоҳлари билан жиҳозладим ва маҳалладаги бир нечта хотин-қизларни ишга жалб этдик. Аввалга янги туғилган чақалоқларга бир неча турдаги кийимлар — кўйлақча ва иштончалар, кўлқоп ва шапкачалар тика бошладим. Маҳсулот сифатига, кўринишига катта эътибор қаратдик, иқлимимизга мос, болалар соғлиғига зарар қилмайдиган қулай матолардан фойдаландик. Ҳақиқатан ҳам интилганга толе ёр экан, меҳнатларимиз бу-



лоқларнинг ёғи ва кишки йўрғаклари, турли моделдаги кўйлақчалар, шапкача, пайпоқча ва кўлқопчалар — ҳаммасини санаб адоғига етолмайсиз. Лекин буларнинг барчаси тадбиркорлик билан изланишнинг яққол далолати эканини сезиш мумкин.

Шуниси эътиборлики, корхона республикамиз вилоятларидаги ва пойтахтимиздаги савдо шохобчаларига, хусусий тадбиркорларга буюртма асосида маҳсулот етказиб бериш борабариди пойтахтимиздаги «Чилонзор» буюм бозориди ўз фирма дўко-

СУВ — ТИРИКЛИК МАНБАИ, БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА ОБИ ҲАЁТ. У НАФАҚАТ ЧАНҚОҒИНГИЗНИ БОСАДИ, БАЛКИ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИДА, ТУРМУШИМИЗДА УШБУ БЕАҲО НЕЪМАТДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИЛАДИ. БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА, УНИНГ ҚАДРИНИ ҲЕЧ НАРСАГА ТЕНГЛАШТИРИБ БЎЛМАЙДИ.

Кичик бизнес

«SHAFFOF» — СОФ БУЛОҚ СУВИ

Барчамизга маълумки, Муस्ताқиллик боис тадбиркорликка катта йўл очилган мамлакатимизда кейинги йилларда аҳоли талабидан келиб чиқиб газланган, газланмаган турли сув маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳақиқий қизгин паллага кирди, десак хато бўлмайдим. Турли ёрликлар билан чиқарилаётган ана шундай сувларнинг ҳар бири ўз хусусиятига эга, шунинг борабариди ўз харидорлари ҳам бор. Улар орасида «SHAFFOF SERVIS» хусусий корхонасининг «Shaffof» савдо белгиси билан қадоқланаётган шифобахш булоқ сувлари фойдали хусусиятлари, экологик тозаллиги билан ажралиб туради. Тоғ суви — тайёрланаётган маҳсулотнинг асосий манбаи бўлиб, у Чоқтоқ тоғ зоналаридаги Жекиндексойдан олинади. Харидор эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда «Shaffof» савдо маркаси билан 0,355; 0,555; 1,555 ҳамда 5 литрлик пластмас аидишларга қадоқланади. Шунингдек, 19 литрлик идишларга қадоқлаш ҳам йўлга қўйилган.



— Цехларимиз замонавий техникалар билан жиҳозланган бўлиб, аввало булоқ суви кўп босқичли филтёрлардан ўтади ва сўнгра кварц нурлари билан тозаланadi. Биз тайёрлаётган сувнинг бошқалардан афзаллик томонлари шундаки, — дейди фирма бош директори Абдусоттиқ Исҳоқжоев, — унинг таркибида табиий қумуш бўлиб, бу жигар, ўт пуфағи, буйрак ва бошқа органлар касалликларида профилактик восита ролини ўйнайди. Бозор ва харидор талабини ўрганган ҳолда корхонада ишлаб чиқариш қувватини оширишни режалаб турибмиз. Келгуси йилда яна бир сув қадоқлаш линиясини ишга туширамиз, 2007 йил бошида корхонамизда шундай линия ишга туширилганини айтиб ўтиш лозим ва ҳозирда у муваффақият билан ишламоқда.

Шу ўринда тадбиркорларнинг харидорларга яратган қулайликларидан бирини таъкидлаш керакки, корхонанинг транспорт техник базаси кенгайиб бормоқда ва 11 та автотранспортларда пойтахтимиздаги буюртмачиларга кечая кундуз маҳсулот ўз вақтида етказиб берилмоқда. Улар назорат-касса аппаратлари билан жиҳозланган. Биринчи навбатда эса шифобахш булоқ сувининг юқори стандартларга жавоб беришига эътибор қаратиладики, бу ривожланишда, бозорда ўрин топишда катта аҳамият касб этади.

Корхона маҳсулотларининг харидорлари қаторида давлат ва тижорат фирма ҳамда ташкилотлари, тиббиёт муассасалари, меҳмонхона ва рестороанлар кўпчилики ташкил этади. Шунингдек, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Бухоро шаҳарларида «SHAFFOF SERVIS» нинг филиаллари фаолияти йўлга қўйилган. Нукус шаҳрида ҳам филиал очиб кўзда тутилмоқда.

Изланишлар самара бераётганлигини тадбиркорлар фаолияти кўрсатиб турибди. Улар Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2007» кўрик-танловининг Миробод туман босқичида 1-ўринни қўлга киритишган бўлса, танловнинг пойтахт босқичида «Энг тоза экологик технология» номинацияси голиби бўлишди. Ишчи-хизматчилар учун яратилган қулай шарт-шароитлар, ижтимоий ғимоя муваффақиятларга гаров бўлмоқда. Албатта, тоза ичимлик сувини истеъмол қилиш инсон соғлигини тиклашда, умри узоклигини таъминлашда бениҳоя аҳамиятлидир. Шу боис ҳам корхона ахли халқ саломатлиги йўлида экологик тоза, шаффоф ва шифобахш ичимлик суви етказиб бераётганидан мамнун меҳнат қилади.

Дилноза СОДИКОВА

СУРАТДА: оператор Ширин Ҳайдарова

ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

ҚУТЛУҒ АЙЁМ — МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 16 ЙИЛЛИГИ ТАНТНАЛАРИ АРАФАСИДА ПОЙТАХТИМИЗДА ЯНА БИР КАТТА ЛОЙИҲА АМАЛГА ОШИРИЛИБ, 10 ГЕКТАРДАН ЗИЁД МАЙДОННИ ЭГАЛЛАГАН «SARBAST PLUS» ЎЗБЕКИСТОН-ШВЕЦИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЎЗ ИШINI БОШЛАЙДИ. «SARBAST» САВДО БЕЛГИСИ БИЛАН ОЛИЙ СИФАТЛИ ПИВО МАХСУЛОТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ИХТИСОСЛАШГАН УШБУ КОРХОНА «Baltic Beverages Holding» (BVH) КОМПАНИЯСИНИНГ ЙИРИК ЛОЙИҲАСИДИР.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистонда 2006 йилдан бошлаб амалга оширилиб, қўшма корхонасини яратиш учун юқоридаги компания 54,2 миллион евро сармоя киритмоқда. Янги завод ишлаб чиқариш бўлими, пиво пишириш бўлими, маъмурий бино ва омборхоналардан иборат бўлиб, умумий майдон 15,000 квадрат метрга тенг. Шундан 7000 квадрат метрини маҳсулот ишлаб чиқариш ва қўйиш бўлиmlари эгаллайди. Корхонада сифатли маҳсулот тайёрлаш ва ишчи-хизматчиларнинг баракали ишлашлари учун шарт-шароитлар яратилган бўлиб, ичкарида ҳаво алмаштириш ва совутиш тизими ўрнатилган.

Шуни айтиш лозимки, янги корхона замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган бўлиб, технологик ускуналар машхур пиво ишлаб чиқарувчи фирмалардан келтирилган. Германиянинг «KHS», Бельгиянинг «Alfa Laval», Голландиянинг «GEA Grasso» ва бошқа етакчи фирмаларнинг линия ва ускуналари

ана шулар жумласидандир. Бутун ишлаб чиқариш комплекси автоматлаштирилган бўлиб, у «SIEMENS» немис компаниясининг замонавий компьютер дастури асосида ишлайди. Корхона цехлари йилга 1 миллион геколитр пиво маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, бу 0,5 литр ҳажмга эга бўлган 200 миллион шиша пивога тенгдир. Шуниси эътиборлики, барча жараёнлар компьютерлаштирилган ушбу корхонада хом ашё келиб тушгандан бошлаб, тайёрланган маҳсулот ортолгунга қадар сифат тўхтовсиз назорат қилиб борилади.

— Сифатни назорат қилиш тизими «BVH» концерни мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган ва ўрнатилган, — дейди қўшма корхона ижрочи директори Дэвид Ривлин. — У ўзининг сифатли маҳсулотлари билан машхур бўлган асосий акционерлар — «Caresberg» ҳамда «Scottish Newcastle» компанияларининг кўп йиллик тажрибасини ўзида жамлаган. Корхонамизнинг 2008

йилнинг бошидан тўла ишлаб чиқариш қуввати билан фаолият кўрсатиши кўзда тутилган. Лойиҳамизнинг биринчи босқичи амалга оширилган, босқичма босқич иккинчи ва учинчи босқичларини бажарамиз. Биринчи босқичда 300 нафар ёшлар иш билан таъминланган бўлса, келгусида уларнинг сонини 10 бараварга ошириш кўзда тутилган.

Айни пайтда пойтахтимиздаги савдо шохобчаларида қўшма корхонада тайёрланган илк пиво маҳсулотлари харидорларга етиб борди. Хозирда маҳсулотларни етказиб бериш учун 10 нафар эксклюзив дистрибуторлар жалб этилган ва маҳсулот республикамиз бўйлаб харидорларга тарқатилди. Шу билан бирга янги корхона худудида ободонлаштириш ишлари қизгин олиб борилаётган. Пиво ишлаб чиқариш заводининг расмий очилиш маросими Энг улуг, энг азиз байрамимиз — Истиқлол шодиёналарини кунларида бўлиб ўтади.

Отабек БОБОЖОНОВ

Сўранг, жавоб берамиз

КАПИТАЛ — ТАДБИРКОРЛИК ОМИДИ

Тадбиркорлик учун муҳим омиллардан бири бўлган капитал ва унинг турлари ҳақида билишни истаймиз.

Гули Пўлатова,
Дилнур Орзиева,
коллек талабалари

Капитал чиндан ҳам тадбиркорлик учун энг муҳим омиллардан бири саналиб, агарда у сармоядор бўлмаса ўз фаолиятини ўзи мустақил ташкил эта олмайди. Капитал — ўз эгасига даромад келтирувчи маблағ ва ресурсдир. Капиталсиз иш юритувчи тадбиркор ярим мустақил ҳисобланиб, у ҳар қандай шароитда ҳам қарам ва ижрочидир.

Тадбиркорлик капитали ўз манбаи билан уч хилда бўлади. Булар: хусусий капитал, қарз-кредит капитали ва қўшма капиталдир.

Тадбиркорнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган сармояси бу — **хусусий капиталдир**. Ўз ишини бошлаши учун ҳар бир тадбиркор, биринчи навбатда зарур, эркин ишлата оладиган пул маблағига эга бўлиши керакки, бунингсиз унинг ҳўжалик юритиш жавобгарлиги бўлмайди. У иш юритувчи тадбиркор даражасига кўтарила олмайди. Ушбу хусусий капитал тадбиркор оладиган фойда, амал-

га оширадиган амортизация ажратмалари ҳисобига шаклланиб боради.

Қарз-кредит капитали эса банк, бюджет, бошқа корхоналардан олинadиган кредитлар, чиқариладиган облигациялар эвазига шаклланади. Яъни хусусий капитали етарли бўлмаса, тадбиркор қарз олиб уни тўлдирadi, кичик корхона очadi, ўз мақсадини амалга ошириб иш юритади.

Шуни унутмаслик лозимки, фақат қарз ҳисобига иш бошлаш кўзланган натижани бермайди. Чунки тадбиркорнинг ишлатадиган капитали таркибиде қарз катта ўрин эгаллайди ва ҳиссаси шахсий капиталдан юқори бўлади. Тўғри, қарз олиш қийин эмас, чунки кредит катта даромад келтиради. Бундан эса аввало қарз берувчи яхши манфаат кўради. Чунки унинг қарз учун берилadиган пули қанча тез ҳаракатда бўлса, ҳажми ҳам катта бўлса, даромади шунчалик ортиб бораверади.

Қўшма капитал хусусида тўхталadиган бўлсак, бу четдан жалб этилган ресурслар бўлиб, у асосан акцияларни сотиш, пай ва кирини бадалларини тўллаш, корхоналарни бирлаштириш натижасида активларнинг кўпайишидан шаклланади. Бу, асосан ширкат, кооператив ва ҳиссадорлик корхоналарига тегишли бўлиб, улар ўз сармояларини бирлаштирган ҳолда қўшма капитал пайдо қилади ва ҳамкорликда иш кўради.

Иқтисодиёт

ҲАЛҚАРО АНДОЗАЛАРИ ЖАВОБ БЕРАДИ

«СУВМАШ» ОЧИҚ АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯ ЖАМОАСИНИНГ СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРШ НАСОСЛАРИ ҲАМДА УНГА ЭҲТИЁТ ҚИСИЛАШ НАФАҚАТ РЕСПУБЛИКАМИЗДА, БАЛКИ ХОРҚ ДАВЛАТЛАРИДА ҲАМ ХАРИДОРТИР ҲИСОБЛАНАДИ.

Мазкур жамият тадбиркорларининг самарали саёйрақатлари, ишчи-хизматчиларнинг касб-маҳоратлари тўйли жорий йилнинг олти ойи мобайнида 3,5 миллиард сикдан ортик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Утган йилни шу даврига нисбатан ишлаб чиқариш қуввати 2,1 марта ган. Ўз навбатида корхона ишчи-хизматчиларининг иш ҳари, жамиятнинг соф даромади, маҳсулот сотиш кўрсаткичалмоқли ўсган. Жумладан, экспорт ҳажми йил бошида 29,2 минг долларни ташкил этган ҳолда, бизнес-режадан 3,2 марта кўпроқ бўлди.

Эътиборли томони, жамоа ахли ишлаб чиқараётган чарча товарлар сертификатланган. Уларнинг маҳсулотлаузоқ йиллар давомида республика миқёсида ва халқаро газмаларда эътироф этилиб, совридор бўлган. Халқарофат олтин ва платина юлдузлари билан тақдирланган экур жамоа ахлининг тайёрлаётган насосларининг кўплаблари халқаро стандартларга жавоб бериши билан алиб туради.

Корхона тадбиркорлари доимий изланишда. Улағлуғида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги маҳсулотларини кўпайтириш асосида фуқароларимизга янги иқойлари яратишни мақсад қилганлар.

ХУНАРМАНДЛАР САФЛАРИ КЕНГАЯДИ

ИСТИҚЛОЛИМИЗ ШАРОФАТИ БИЛАН ХУНАРМАНД УСТАЛАР ФАОЛИЯТИГА КЕНГ ʼЛ ОЧИЛДИ. ЯРАТИЛГАН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР, ХУҚУҚИЙ КАФОЛАТ БОИС, УЛАРИНИНГ САФЛАРИ ЙИЛДАН ЙИЛГА КЕНИБ БОРМОҚДА.МОҲИР ҚЎЛЛИ КУЛОЛЛАР ЭС ХУНАРМАНД УСТАЛАР ОРАСИДА КЎП АСРЛАРДАН БЎЕН МУНОСИБ ҲРИН ЭГАЛЛИ КЕЛМОҚДАЛАР.

Жорий йил бошида «Оқлон» маҳалласида «Уста-ирд» мактаби иш бошлади ҳамда мазкур мактабда машхулло, академик Акбар Раҳимов бошчилигида қизилкувчи вағра миллий сопол буюмлар тайёрлаш сирларидан саборилмоқда. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» йармаси кўмагида фаолият юритаётган ушбу даргоҳдапол-созлик, кулолларнинг қадим тарихий манбалари, юмўздаги мавжуд кулолсозлик мактаблари, устозлар, уюдалар, бетакдор сопол буюмлар яшаш маҳорати ҳақидамирларга сабоқ берилади.

Яқин атрофдаги маҳалларда ёшларига чархлардирибридан чиройли сопол буюмлар яшаш технологияси-вағра меҳр қўйиш, унинг ўзига хос сир-синаотлари ҳақидарслар ўтिलाди. Асосийси, кўплаб ёшлар бўш вақтлари беҳуда ўтказмай, мазмунли, фойдали меҳнат қилишмаўсўрағатилади.

Муҳаббат ҲАБИБУАЕВА

Транспорт

ЯНГИ АВТОБУС ЙўНАЛИШИ

АҲОЛИГА НАМУНАЛИ ТРАНСПОРТ ХИЗМИ КўРСАТИШ МАҚСАДИДА «ТОШАВТОБУСТРС» КОМПАНИЯСИ ТОМОНИДАН ҚАТОР ТАДБИАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. КОМПАНИЯНИК «3-АВТОБУС САРОЙИ» ОЧИҚ АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҲАМ БУ БОРАДА ХАЙРЛИ ИШТГА БОШ ҚЎШДИ.

Йўловчиларга қулайлик туғдириш мақсадида уу жамиятнинг 137-автобус йўналиши очилди. Узок мфада қатнайдиган бу янги йўналиш учун бир нечта трпорт воситалари ажратилди.

«Амир Темур хиббони — «Парвоз» маҳалласи», номланган шу йўналишда қатнайдиган автобуслар бнчата бекатда тўхтаб ўтади. Чимкент йўли ва бошқа кўча орқали «Парвоз» маҳалласига борилади. «3-автобус саройи» корхонаси йўловчиларга яншишча қулайликларни ҳам муҳайё қилди.

СОҲА ХОДИМЛАРИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯД

«ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙўЛИДА «ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ» УЮШМАСИ I ТОШКЕНТ ШАҲАР АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПСИ ВА ЙўЛ ХўЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КАСАБ УЮШМАСИ ҚўМИТАСИ ҲАМ ТАДБИРКОРК БИЛАН ИШ ЮРИТМОҚДА.

Узаро ҳамкорликда ишлаб чиқилган тадбирластури доирасида транспортчилар сихат-саломатлигини тиш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилди.

Уюшма қаромидидаги тиббиёт-санитария қисми ан жорий йил учун шартнома тузилди. Унга қўша уюшмаарши корхоналар ва деполар ходимларини эмлаш, дансер кўригидан ўтказиш, дастлабки ва даврий тиббий лажалар ташкил этиш ҳамда флюорографик текшириш ўтказиш амалга оширилади.

Фаҳрий транспортчилар, ногиронлар тиббий-статрия шифохонасида даволанадилар. Ажратилadиган йўлла нархи 110 минг сўмини ташкил қилади.

Ижтимоий ғимояга муҳтожларни даволаш иши ҳам амалга оширилади. Пул тўлаш, дори-дармон ва с-овқат олиб бериш йўли билан моддий ёрдам кўрсатиудн 200 минг сўмлик маблағ ажратилди.

Бундан ташқари нурунийлар яна қатор имтирдан фойдаланадилар.

«ИСУЗУ»ЛАРГА ЯНҚ 200 ТА БУЮРТМА

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ШОҲКўЧАЛАРИД ҚАТНАЙ БОШЛАГАН «ИСУЗУ» РУСУМЛИ АВТОБУСЛАР КўПЧИЛИК ЙўЛОВЧИЛАРҚИБ ҚОЛДИ.

Самарқандда япон автомобилчилари билан ҳарлиқда ишлаб чиқарилган бу хил янги автобуслар ўзиниамонавий конструкцияси билан ҳам эътибор қозонди. «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси буюртмаси бн Тошкента олиб келинган 100 та автобус дастлаб «Унрсида — 2007» спорт уйинлари иштирокчилари хизмат бўлди. Эндиллиқда қатор автобус йўналишларида қатнабловчилар узогини яқин қилмоқда. Уюшма келгусида хўндай ичман ва қулай транспорт воситасидан кенг фойданлиши ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Шу ният билан ума Самарқанд автомобил заводига яна 200 та автобусюртма берадиган бўлди. Бу эса эскириб қолган йўловчибусларларини янги «Исузу»лар билан алмаштириш имини беради.

АКБАЛИЕВ

МАВЖУД ИМКОНияТлардан Фойдаланиш — Ривожланиш Омиди

(Давоми. Боши 1-бетда).

Буларнинг бари давлат ва маҳаллий бюджетга ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга тушумларнинг ҳам тўлиқ таъминлишига асос бўлиб, ўз навбатида, пенсия, нафақа, стипендия, бюджет корхона-ташкilotларига ойлик маошининг вақтида тўлалишига имкон яратди.

Хисобот даврида ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш ва модернизациялаш, иқтисодийнинг муҳим тармоқларини техник ва технология жihatдан янгилаш жараёнлари давом эттирилди. Бунинг натижасида жумладан инвестициялар, айниқса тўғридан-тўғри сармоялар ҳамини қўлайтириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган янги қувватлари фойдаланишга топшириш, янги корхоналар ташкил этилиши ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмларини сезиларли даражада оширишга эришилди.

Ўтган вақт ичида пойтахтда 528 та янги ишлаб чиқариш корхонаси, жумладан 492 та микрофирма ишга тушди. Хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши эвазига «Полисан индустрия плюс», «Шах-текстиль», «Лукас-текстиль», «Хисар текстиль», «Маер текстиль», «Зорай текстиль» каби қўшма корхоналар очилди.

«БФ-текстиль продакш», «Тошкент трактор заводи», «Унит шина», «Тодо пласт», «Электротрактор-электрошит», «Алиотекс» корхоналарида янги ишлаб чиқариш жараёнлари жорий этилди. Масалан, биргина «БФ-текстиль продакш» корхонаси томонидан ўтган ойда ҳафтасида 5,4 миллиард сўмлик санаот маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, бу умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг 0,7 фоизини ташкил этди (яъни битта корхона учун бу катта кўрсаткич ҳисобланади).

Шу билан бирга, Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Зафар Тўйчиев таъкидлаб ўтганидек, ушбу йўналишда олиб борилган мониторинг натижалари шунки кўрсатадики, кўплаб корхоналарда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд, яъни мавжуд ишлаб чиқариш майдонлари ва қувватларининг тўлиқ талабгорлиги таъминланганида, нафақат тегишли корхонада, балки умуман пойтахт иқтисодий кўрсаткичларида ўсиш суръатларини янада кўпроқ ошириш имконияти юзасига келар эди.

Бу борада яна миқсоплар билан таҳлил этилган бўлса, хусусан, «Байтекс-тижарет» корхонасининг иқтисодийдаги улуши ҳисобот даврига мувofiқ, аммо экспорт буйича белгиланган кўрсаткич фақат 30 фоизга таъминланган. Мутасадди раҳбар фикрига қараганда, бунинг сабаби калава илп етказиб берилишида айрим муаммолар мавжуд. Бу корхона учун асосий хом ашё ҳисобланган калава илп ўзимизда ишлаб чиқарилади. Лекин маълум бўлишича, ушбу хом ашёни етказиб беришчи субъектлар билан юқоридаги корхона томонидан вақтида ва тўлиқ шартномалар тузилмаган. Гап асосан бу

ерда ишлаб чиқариладиган мато — хом ашёнинг экспорти ҳақида экан, уни тайёр маҳсулот тоифасига киритиб бўлмайдди. Демак, бу корхонага экспорт буйича тегишли имтиёзлар кўзда тутилмаган.

Бу масалада тўхталиб ўтган Иқтисодиёт вазирлиги Ботир Ҳўжаев имкониятлари, айниқса экспортга тааллуқли имкониятларни кенгайтириши учун корхоналар биринчи навбатда барча ички имкониятларидан тўлиқ фойдаланиши лозимлигига ургу берди. Бу дегани, фақат хом ашё эмас, балки кейинги босқич — яъни хом ашёдан ҳам тайёр маҳсулотларга бўлган ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтириш орқали камда 2—2,5 баравар даромадларни ошириш мумкин.

Йиғилишда қайд этилган фикрни давом эттирган ҳолда ташки иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхоналарга ҳам алоҳида эътибор қаратиб ўтилди. Таъкидландики, бу борада ташки хом ашё билан таъминлиши заиф бўлган боис экспорт этишдан асосий мақсад эса замонавий технологияларни жорий этган ҳолда экспортга йўналтирилган янги маҳсулот турларини ўзлаштиришдир. Бу борада агарда корхоналар истиқболсиз бўлса, улардаги ишлаб чиқариш жараёнларини ташки ва ички бозор конъюктурасини ҳисобга олган ҳолда ўзгартириш масаласи кун тартибига киритилиши ўринлидир. Ушбу йўналишда хорижий шериклар билан кооперация йўлида ҳамкорлик тузиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Айни пайтдаги мавжуд муаммолардан келиб чиққан ҳолда, йиғилишда қўшма ва хорижий корхоналар ички бозорга эмас, балки асосан экспортга ишлаши лозимлиги таъкидланди.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналарнинг ҳам шу йўсинда фаолият юритишлари лозимлигини вақтинг ўзи такзоэ этмоқда. Ҳисобот даврида мазкур дастурда кўзда тутилган 78 та лойиҳадан 41 таси буйича қисман мажбуриятлар бажарилиши кузатилди. Бундай ҳолатнинг асосий сабаблари эса — ҳўжалик субъектларининг дебитор-кредитор қарздорлигидир. Ушбу масалада субъектларнинг ўзаро қарздорлигини қисқартириш буйича, хусусан, банklar томонидан кредитлар ажратилиши ва факторинг хизмати кўрсатиш лойиҳаси жорий этилгани қисман бўлса-да, самара бермоқда, аммо, мутасаддилар фикрига қараганда, бу борадаги ишлар янада жадаллаштирилиши лозим.

Жорий йилнинг январь-июнь ойлари давомида сервис соҳасини ривожлантириш дастури буйича белгиланган вазифаларнинг ижроси деярли таъминланди. Аммо таҳлил

ларга кўра, ушбу йўналишда ҳам имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаган. Хусусан, айрим хизматлар тури буйича рақобат муҳити мавжуд эмас. Йиғилишда ушбу муҳим вазифани ҳал этишда ҳар бир туман миқёсида аниқ имкониятларни ҳисобга олган ҳолда биринчи навбатда хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорликни юритишга иштиёқ билдираётганларга сунъий тўсиқларсиз кредит ажратиш масаласини ҳал этиш муҳимлиги қайд этилди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси бошлиғи Бадриддин Камолов ҳисоботига кўра, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида хизмат кўрсатиш соҳасида 10,785 та янги иш ўринлари яратилган. Ушбу мақсадлар учун бошқарманинг бандликка қўмақлашиш жамғармаси ҳисобидан 222 миллион сўм ажратилган. Лекин бу ушбу йўналишда ҳисобот даври учун кўзда тутилган маблағлар тўлиқ ўзлаштирилган дегани эмас. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида қўрилаётган чора-тадбирларнинг етарли эмаслигини инобатга олган ҳолда йиғилишда туман ҳокимликларига ҳудудий тасарруфдаги корхона ва ташкilotларнинг мавжуд имкониятларини ишга солган ҳолда шу жумладан, йирик ҳамда кичик бизнес субъектлари билан кооперация қилиш орқали уй шароитида ҳам меҳнатни кенгайтириш юзасидан ўрганиш ўтказиш вазифаси топширилди.

Йиғилишда инвестиция дастурининг бажарилиши ҳолати ҳам танқидий муҳокама қилинди. Бу борада белгиланган сармоялар вақтида ва тўлиқ ўзлаштирилишида авваламбор ҳар бир субъектнинг истиқбол кўрсаткичларини инобатга олиш лозимлиги эътибор қаратилди.

Кун тартибиданги масалалар муҳокамаси давомида шунингдек, пойтахт тижорат банклари раҳбарлари банк-молия тизимида ишловотларни чуқурлаштириш, депозитлардан нақд пул қайтарилишини тўсиқсиз таъминлаш, пластик карточка ва терминалларни кенг жорий этиш ҳисобига банкдан ташқари пул айланмасини янада қисқартириш масалаларига эътиборларини қўйиштиришлари лозимлиги таъкидланди.

Фаоллар йиғилишида «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури буйича амалга оширилган ишлар ҳам таҳлил этилди. Бу борада ахборот берган шаҳар ҳокими ўринбосари Бахтиёр Тоҳиров баъзиланган вазифалар ишчил татиқ этиб келинаётганини инобатга олган ҳолда, дастурда белгиланган тадбирларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун қўшимча чоралар ҳам қўрилиши ўринли эканлигини таъкидлаб ўтди.

Йиғилишда барча муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, бу борада айнақса иқтисодий ишловотларни янада чуқурлаштириш буйича устувор вазифаларнинг бажарилиши лозимлиги алоҳида қайд этилди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

ШАҲРИМИЗ МАҲАЛЛАЛАРИДА ҲАМ БУГУНГИ КУНДА ТОБОРА ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 16 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН ҲУДУДЛАРНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ, САРАНЖОМ-САРИШТА ҲАЛ ҚИЛТИРИШ, АРИҚ ВА МАЙДОНЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИБ, ТОЗАЛАШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. ХУСУСАН, ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ АҲМАД ДОНИШ, ОЙБЕК, «ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ» МАҲАЛЛАЛАРИДА БЎЛГАННИМИЗДА ҲАМ БУ ЖАРАЁН АҲОЛИНИНГ ЖИПСЛИГИ, ҲАМКОРЛИГИ, ТУМАН ҲОКИМЛИГИ МУТАСАДДИЛЛИГИНИНГ КЕҲ ҚАМРОВДА ОЛИБ БОРИЛАётганини ГУВОҲИ БЎЛДИК.

Ободонлаштириш

ШАҲРИМИЗ МАҲАЛЛАЛАРИ ЯНАДА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

— Маҳалламизда 5450 нафар аҳоли 1272 та хонадон 28 та кўп қаватли уйларда тинч, хотир-жам, аҳилликда яшаб келмоқда, — дейди биз билан суҳбатда Ойбек маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Қурбон ака Даминов. — Айни кунларда Мустақиллик байрамининг 16 йиллигини муносиб қутиб олиш учун маҳалладошлар билан ариқларни тозалаш, кўча ва хиёбонлардаги дарак ва гулларга шакл бериш, қуриганларини олиб ташлаб янгиликни ўтказиш бутун теваракни ораста ҳолга келтириш ишларини тугаллади. Эътиборлиси, яқинда туман ҳокимлиги қўмағида маҳалламиздаги 79-уйнинг ён томонлари, 80, 81, 82, 69-уйларнинг бутун атрофининг зарур бўлган қисми тўзалинган, айримларининг таъмирталаб, уйдим-чўкур қисми, 16-мавзедан бошлаб эса 247-мактабга бўлган йўл тўзалинган асфальт қилинди. Аниқроқ қилиб айтганда булсак 28 та 4 қаватли уйларнинг атрофлари, кўчаларини таъмирланди. Бунда албатта «Орзу-2 коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Гулнора Носирова, «Мустақил — коммунал» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Фахриддин Ортиқларнинг саъй-ҳаракатларини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Биз ҳудди шундай фикрларни Ойбек маҳалласи билан ёнма-ён жойлашган Аҳмад Дониш маҳалласи котиби Саодат Алманова ва «Ўзбекистон Мустақиллиги» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Мавлуда Ҳакимовалардан ҳам эшитдик. Ушбу маҳаллаларда ҳам катта кўтаринкиликда ишлар олиб борилиб, 97, 156-мактабга таълим муассасалари, шу ҳудудларда жойлашган 247, 237, 97, 72-мактабларга келадиган йўллар, 20, 21, 13, 14, 15-уйлар атрофларига асфальт ётқизирилиб, аҳолининг саъй-ҳаракати билан байрамни муносиб қутиб олишга тайёрлик қўрилмоқда.

Албатта, бундай тайёргарлик ишлари шаҳримизнинг қолган маҳаллаларида ҳам олиб борилмақда. Байрам нишонланадиган кунларга барча таъмирга муҳтож кўчаларга асфальт ётқизирилиб, озода ва раvon ҳолга келтирилиши кўзда тутилган.

Шоира МУҲАМЕДОВА



БАЛИҚ ВА ҚАНДЛИ ДИАБЕТ

Яқинда бир кекса одамдан, қандли диабет касалига балиқ ҳам сабабчи бўлиши мумкин, деган гапни эшитиб қолдим. Шундай бўлиши мумкинми?

Темур Шукуров, Шайхонтоҳур тумани.

Жанубий Кореядаги Тэгу университети олимлари олиб борган тадқиқотлар натижаларига кўра, ҳақиқатан ҳам шундай бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Олиб борилган жиддий илмий-тектириш ишлари уларда шубҳа уйғотганди. Бунда, асосан, ёғлиқ балиқ кўзда тутилади. Семиз, ёғлиқ балиқ иккинчи типга оид қандли диабетни келтириб чиқариши мумкин, дея ҳулосага келиши олимлар.

Лекин бунда балиқнинг ўзи эмас, балки пестицидлар ва барқарор органик ифлослантирувчилар айбдор бўлиб, улар айнақса балиқ ёғида кўп тўпланган ва шу ёғлар орқали бизнинг танамизга ўтаркан.

— Жанубий Корея олимларининг таҳмини тўғри бўлиши мумкин, зеро, пестицидлар киши организмидан шундай жараёнларни кўзгаши турган гап, — дея бу хабарга изоҳ берди тиббиёт фанлари номзоди М. Миршарипов, биз билан суҳбатда. — Бирок, кўпгина мамлакатларда, жумладан, Россияда, Марказий Осиё республикаларида ушбу йўналишда ҳали тадқиқотлар олиб борилмаган...

ПОЕЗДАДАГИ ТҮЙ

Никоҳ тўйларини поездада ўтказишгаётгани ҳақида эшитиб қолдим. Шу тўғрисида?

Бусалима Аширова, Бектемир тумани.

www.aif.ru интернет сайти хабар қилишича, Россия темир йўлларида келин-куёвлар учун вагон-салон, вагон-сарой, иккита вагон-ресторан ҳамда рақс зали сифатида фойдаланиладиган алоҳида вагон тайёрланяпти. Шу ҳилдаги вагонлардан ташкил топган поездинг Россия пойтахти билан Санкт-Петербург оралиғида қатнаши кўзда тутилган.

— Дастур тўрт кунга мўлжалланган, — дея ҳикоя қилади Темир йўллар вакили. — Келин-куёвларнинг вокзалга лимузин машинаси олиб келиб қўяди. Кечани улар кулай ва шинам купеда ўтказишади. Эртасига уларни меҳмонхонага жойлаштиришади (москваликлари — Питерда, петербургликларни — Москвада). Саёҳатга 100 кишигача меҳмонларни олиш мумкин. Лекин бу шохона тўй маросими анча қимматга тушади — камида бир ярим миллион ва ундан ортиқ рубль сарфлашга тўғри келади.

«ҚУШДЕК ЕНГИЛ БЎЛИНГ - 2»

Бу кинони ҳар йили республикамиз ойнайи жаҳонларида бир неча бор кўришга кўникиб кетганмиз. Бунинг устига ҳар гал уни энди кўраётгандек қизиқиб томоша қилармиз. Унинг гўёки давомини суратга олишгаётганимиз, деб эшитдим. Яна шунга ўхшаш бошқа машҳур фильмлар давомини устида ҳам иш олиб борилаётганимиз. Шунга ҳақида аниқроқ билишни истардик...

Файзи Болтаев, Сергели тумани.

Миш-мишларга қараганда, яқинда марказий каналлардан бирининг буюртмаси асосида каттик сир тутилган ҳолда «Тақдир ҳазили ёки қушдек енгил бўлинг - 2» фильми суратга олиб бўлинган. Айтишларича, уни томошабинларга Янги йил қутилмаган тўғрисида сифатида тақдим этишмоқчи.

Янги «Қушдек енгил бўлинг» фильмида Андрей Мягков, Барбара Брильска, Александр Ширвиндт, Константин Хабенский ва Гоша Куценколар суратга тушишган.

Машҳур рус кинорежиссёри Никита Михалков эса иккинчи йилдикри, ўзининг Оскарга сазовор бўлган «Кучишдан толиққанлар» фильмининг давомини суратга олиш билан банд. Картинанинг иккинчи қисмида Никита Михалковнинг ўзидан ташқари яна Олег Меньшиков, Виктория Толстоногова, Дмитрий Дюжев, Евгений Миронов, Владимир Ильин, Вячеслав Тихонов, Михаил Фремов, Андрей Панинлар иштирок этишмоқда.

Мушкетёр Дьартанян қиёфасида ҳамманиннг хотирасига сингиб кетган артист Михаил Боярскийнинг гувоҳлик беришича, режиссёр Георгий Юнгвальд-Хилькевич «Мушкетёрларнинг қайтиши ёки Кардинанг Маргарини бойликлари» фильмининг суратга олишга киришаётган экан. Шу туркумнинг тўртинчиси ҳисобланган бу картинада томошабинлар яна Вениамин Сменов, Валентин Смирнитский, Игорь Старгин, Алиса Фрейндлих ва Дмитрий Харатьянларни кўриш имконига эга бўладилар.

КОМПЬЮТЕРНИ ЮТИБ ОЛИШ МУМКИНМИ?

Жаҳоннинг номдор шахмат усталари кўп йиллардан бери компьютерга қарши дона суриб келишади. Жаҳоннинг сўнгги мутлақ чемпиони Владимир Крамник ҳам узоқ қурашлардан кейин маълумиятини тан олишга мажбур бўлди. Гроссмейстерлар жамоасини тузиб, шахмат монстри «Фритц»ни енгиб бўлмасмикин?

Абдуғафур Убайдуллаев, Мирзо Улугбек тумани.

Журналистлар билан мулоқотда шу мазмундаги саволга Жаҳон чемпиони Владимир Крамник берган жавобини келтирамиз: — Хозирги вақтда компьютерга қарши жаҳонда атиги 4-5 киши муносиб ўйин кўрсата олади. «Фритц» билан сўнгги жангим аслида қураш тенг борганлигини кўрсатди. Шунчаки мен жаҳон чемпионатидан кейин тузуқини дам олиб, кучимни тиклаб ололмагандим. Тайёргарлик кўриш учун ҳам жуда оз вақт қолганди.

Хозирги вақтда компьютерни ютиб олиш жуда амри маҳол, чунки электрон мия хато қилмайди. Беш йиллардан кейин хатто гроссмейстерларнинг қудратли жамоасини тўплаган тақдирда ҳам компьютерга қарши қурашишнинг мутлақ иложи бўлмай қолади. Уйин вақтида шахматчи тўғри йўлни айтиб туриш имконини бериш ҳам тўғри бўлмайди — бу шахматнинг қадимий қоидаларига зиддир. Ушбу олижаноб беллашувни замонавий шоу ёки хиёбондаги жамоавий ўйин даражасига тушириб қўйишнинг истамасдим...

Танловлар

«СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА»

ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ 26-ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКАДА РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРБИОТ МАРКАЗИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ЮНУСОБОД ТУМАН БЎЛИМЛАРИ, ТУМАН ҲУДУДИЙ ТИББИЙ БИРЛАШМАС ТАШАББУСИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН «СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА» КЎРИК-ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛДИ.



СУРАТЛАРДА: танловнинг ҳаяжонли лаҳзаларидан лаҳзалар. Козим Улмасов олган суратлар

Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, оилада соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, соғлом авлодни вояга етказишда она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш, яқин қариндошлар ўртасида никоҳларнинг олдини олиш мақсадларига бағишлаб ўтказилган кўрик-танловда тумандаги «Астробод», «Куччинор», «Чинор», «Хасанбой» ҳамда «Уч қахрамон» маҳаллаларида истиқомат қилувчи билимдон ва лобар қизлар ўз кўникмаю маҳоратларини намойиш этишди. Яъни қизлар танловнинг «Маҳалла билан таништирув» шarti буйича шеър орқали ўз маҳаллаларини таъриф у тавсиф этишлари, «Долзарб масала» шартидан келиб чиқиб сахна кўриниши орқали соҳанинг долзарб муаммосини кўрсатишлари, шунингдек, спорт мусобақасида ўз маҳоратларини намойиш этишлари лозим эди. Кўрик қатнашчиларининг билими, маҳора-

ти ҳамда тиббий савиясини баҳолаш мақсадида тузилган тажрибали ҳакамлар ҳайъати эса ҳар бир шартнинг ижросини синчковлик билан кузатиб боришди. Ниҳоят ҳаяжонли беллашувлар ортада қолиб, ҳакамлар ўз натижаларини эълон қилишди. Учта шарт буйича 100 балл тўплаган «Астробод» маҳалласи вакиласи Дилноза Собирова рақибларидан бирмунча ўзиб кетган ҳолда голибликни қўлга киритди. Иккинчи ўриннинг тақдирини эса атиги 1 баллик баҳо ҳал этди. Яъни 95 балл жамғарган «Хасанбой»-лик Камола Собитовага иккинчи ўрин насиб этган бўлса, 94 балл билан «Чинор» маҳалласи шарафини ҳимоя қилган Умида Саидганиева учинчи бўлди. Кўрик-танловнинг голиб ва совриндорларига ташкilotчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

(Ўз муҳбиримиз)



Конунларимизни ўрганамиз

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ АСОСЛАРИ

МАЪЛУМКИ ЎЗБЕКИСТОН — БОЛАЖОН ЮРТ, ХАЛҚИМИЗ ЭСА БОЛАЛАРНИ ЖОНИ-ДИЛИДАН СЕВАДИ. МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТАВКИ ПАЙТЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚЎШИЛГАН ИЛК ХАЛҚАРО ШАРТНОМА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ БЎЛСА, КЕЙИНГИ ХАЛҚАРО ШАРТНОМА ЭСА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚАРОРИГА АСОСАН МАМЛАКАТИМИЗ 1992 ЙИЛ 9 ДЕКАБРЬ КУНИ ҚЎШИЛГАН «БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ» КОНВЕНЦИЯСИДИР. БУНДАН КЎРИНИБ ТУРИДИКИ, ЮРТИМИЗДА БОЛАЛАРГА ҲАР ТОМОНЛАМА ГАМҲЎРЛИК, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, СОҒЛОМ АВЛОДНИ КАМОЛ ТОПТИРИШ УЧУН ЭНГ ЯХШИ МОДДИЙ ШАРОИТ ВА МАЪНАВИЙ МУҲИТНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛГАН.

Бугунги кунда юртимизда болаларни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий жиҳатдан ҳимоя қилиш буйича кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш буйича тегишли ҳуқуқий база шаклланган десак муболага бўлмайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси, Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси, Жиноят кодекси ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид нормалар ўз ифодасини топган.

Республикамизда болаларга гамўрлик, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимояси билан нафақат давлат тузилмалари, балки кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам шуғулланмоқда. Масалан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Болалар жамғармаси, «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси, «Сен ёлғиз эмассан» рес-

публика болалар жамоатчилиги жамғармаси, Республика болаларни ижтимоий мослаштириш маркази ва бошқа тузилмалар шулар жумласидандир. Мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида озолаб янги касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар барпо этилди ва замон талаблари даражасида жиҳозланди. Жорий йилнинг 23 январидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши ҳам республикамизда бу борада олиб борилаётган сиёсатни янада мустаҳкамлашга қаратилган. Бирлашган Миллатлар Ташкilotли Бола ҳуқуқлари Комитатининг 42-сессиясидаги Ўзбекистоннинг иккинчи Миллий маърузаси ҳақидаги Тавсиялар олинди, уларда болалар фаровонлигини ошириш ва бахт-саодатини таъминлаш буйича янги умумий ҳаракатлар ва йўналишлар белгилаб берилди.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплексининг 2007 йил 15 январдаги мажлисида маъқулланган «Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш буйича Ҳаракат Дастури»ни амалга ошириш буйича биринчи навбатдаги тадбирлар ишлаб чиқилди ҳамда барча вазирликлар ва мутасадди ташкilotлар унга масъул этиб белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 16 февраль кунини «Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш буйича Адлия вазирлигининг 2007 — 2008 йилларда амалга оширадиган тармоқ Дастури» таъсирлиги билан адлия органлари ва муассасаларига ижро учун юборилди. Жойларда давлат ҳокимлиги маҳаллий органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари масъул ходимларининг «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияни амалга ошириш масалалари буйича билимларини оширишга доир мунтазам фаолият

кўрсатадиган семинарлар ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлари ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан Ҳаракат дастурининг ижросини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар режалари ижроси буйича жорий йилнинг биринчи ярми давомида 530 та ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди.

Ҳудудий адлия идоралари, халқ таълими бўлимлари ва бошқа мутасадди ташкilotлар билан биргаликда жойларда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?», «Ўз ҳуқуқингизни биласизми?» мавзуларида кўрик-танловлар ўтказилди. Жорий йилнинг 11-12 май кунлари Жиззах вилоятида танловнинг яқиний республика босқичи бўлиб ўтди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши ва тақдим қилиниши белгиланган. Адлия вазирлиги томонидан «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси кўриб чиқилиб, маъқулланган ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган. Уйлаймизки, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши бола ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида ҳуқуқий муносабатларни янада такомиллаштириш борасида ўзига хос омил вазифасини ўтайди.

Самира САИД-ҒАЗИЕВА Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг масъул ходими

